



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 30 октябрь, №234 (3062)

Чоршанба



ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

29 октябрь. Будапешт. (УзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Венгрия расмий ташрифининг учинчи кунини ушбу мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувдан бошланди. Унда икки мамлакат ишбилармонлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириши учун имкониятлар етарли экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг

Венгрияга мазкур ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар бунга янада кенг йўл очди.

Мулоқот чоғида Президент Ислам Каримов венгриялик ишбилармонларни Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда дадил ҳамкорлик қилишга чақирди. Зеро, хорижий сармоядорларнинг самарали фаолияти учун юртимизда барча

ҳуқуқий ва амалий шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан венгриялик ишбилармонлар ҳам тула фойдаланиши мумкин.

Ислам Каримовнинг Будапешт шаҳри мэри Габор Демски билан суҳбатда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Будапешт Европанинг энг гўзал ва қадимий шаҳарларидан

ҳисобланади. Шаҳарсозлик борасида венгрияликлар эришган ютуқлар Будапешт шаҳрида ўз ифодасини топган. Шаҳар саноати ҳам анча тараққий этган.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрия Республикаси Бош вазирини Петер Медьешин билан суҳбатда ҳам асосий эътибор Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қаратилди. Президентимиз шу кунни

Қироллик саройида Миллий галерея экспонатларини томоша қилди, Венгрия Миллий кутубхонасида сақланаётган нодир китоблар билан танишди.

Шунинг билан Ислам Каримовнинг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

СУРАТДА: учрашувдан аввал.

Абдувоҳид Тўраев олган сурат. (УзА).

Олий Мажлисда

Кеча Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Оила кодекси"нинг (иккинчи бўлими) никоҳга оид нормаларининг Сирдарё вилоятидаги ижроси масаласи кўриб чиқилди. Йиғилишни комиссия раиси Ш.Салимова олиб борди.

Оила — жамиятнинг негизи

Ушбу масала бўйича вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Оқбутаевнинг ахбороти тингланди. Депутатлар ишчи гуруҳи вилоятда "Оила кодекси"нинг никоҳ масалаларида доир нормалари қандай ижро этилаётганини ўргандилар. Йиғилишда бу борада биринчи ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Оила ҳақимизда азалдан муқаддас саналган. Унинг мустақамлиги, бахтли турмуш жамиятнинг соғлом негизини ташкил этади, унга куч-қудрат бағишлайди. "Оила кодекси"нинг никоҳ нормалари ижросини тўлиқ таъминлаш ана шу мақсадга хизмат қилади.

Сирдарё вилоят ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ушбу тадбир асосида вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида "Соғлом авлод, аёл ва оиланинг тиббий маданияти даражасини ошириш, масалаларни бўйича" доимий комиссия иш олиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 13 та фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФХДЁ) қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатиб келяпти. Улар "Оила кодекси" ва унга оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланган бўлиб, айнан шу ҳужжатлар асосида ишлаяптилар.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли анжуман иштирокчилари! Муҳим минтақавий ва жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муаммо — наркотик моддалар тарқатишига қарши кураши масалаларини муҳокама этиш учун Тошкентга йиғилган сиз, аъзо меҳмонларимизни самимий кутлайман.

Табийки, ушбу вазифани бажаришда божхона органлари гоят фаол рол ўйнаши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳам, вакиллари мазкур анжуманда иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва тарқатишига қарши кураши муаммоларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Тобора кўпроқ ҳудуд ва давлатларни қамраб олаётган бу муҳим жамиятчиликнинг авж олиши ана шу иллатга қарши курашда жаҳон ҳам-жаҳоннинг саъй-ҳаракатларини зудлик билан жислантиришни тақозо этмоқда. Наркобизнесга қарши курашда гоят кескин чоралар тарафдори бўлиши Ўзбекистон бу борада зарур бўлган ҳамма ишни қилиб келди ва бундан буён ҳам бу йўлда қатъий туради.

Ҳозирги замон учун гоят долзарб мавзудаги конференцияни ўтказишда Ўзбекистонга ишонч билдирилган мамлакатимизнинг бу олижаноб ишга қўшаётган салмоқли ҳиссасини Жаҳон божхона ташкилоти томонидан эътироф этилишидир. Мазкур анжуман "Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш: наркотик моддаларга, уюшган жамиятчилик ва терроризмга қарши курашга бирлашган ҳолда ёндашу" мавзусида бағишланган 2000 йил Тошкентда ўтказилган конференциянинг мантукий давомидир, десак хато бўлмайдими.

Менинг назаримда, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш борасида бирлашган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, бу соҳада баҳамжисҳат ҳаракат қилиниши энг мақбул механизмларини ишлаб топшиш ўтказилмажлик мунозараларнинг муҳим мақсади бўлиб қолиши лозим.

Биз ушбу конференцияни халқароликнинг наркотик моддалардан ҳоли бўлган соғлом истиқболни таъминлаш йўлида турли ёндашулар ва фикрларни аниқлаш ҳамда бир-бирга яқинлаштириш имконини берадиган анжуман деб биламиз. Буюк Ипак йўли давлатларининг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураши муаммоларига бағишланган айнан мана шундай амалий мулоқотни ушбу минтақаларда бу бало тарқалиши йўлига тавсирчан гоя солишга, аҳолининг, биринчи навбатда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга қўмақлашамиз.

Ишончим комилки, Тошкент конференцияси наркотик моддаларнинг тарқатишига қарши фаол ҳаракат қилиш ишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Хурматли конференция қатнашчилари, мана шу имкониятдан фойдаланиб, сизларга муштарак режаларимизни рўйбега чиқаришда муваффақиятли ва самарали ишлашинизни тилайман.

Ислам КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

БОЖХОНАЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг гиёҳванд моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) шафёқлигида ўтказилаётган мазкур тадбирда ўттизга яқин мамлакатларнинг божхона идоралари ва йирик халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини Бош вазир Ўринбосари Рустам Юнусов ўқиб эшиттирди.

Анжуманда сўзга чиққан ЖБТ Бош котибини Мишел Дане Ўзбекистон божхона органларининг фаолиятига юқори баҳо берадиган, Жаҳон божхоначиларининг ҳамкорлигини кенгайтириш, ўзаро ахборот алмашишини янги поғонага кўтаришда мазкур анжуман муҳим рол ўйнашини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

Юртга содиқ инсонга нима афзалдир бугун?
Жавоб шу: халқ меҳри, халқ фикри, халқ сўзи устун

Агар сиз **Обуна**

- ҳуқуқий давлат қураётган жамиятга муносиб фуқаро бўлай десангиз,
- икки палатали парламент яратилишида фаол иштирок этишини истасангиз,
- дунёда рўй бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасангиз,

«Халқ сўзи»га обунани расмийлаштиришни кечиктирманг.
Нашр индексимиз — 229

«Обуна каталоги» инглиз ва рус тилларида «Интернет»га киритилган.
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясининг веб сайти («манзил вақари»):
<http://mtu.uzpak.uz/uzbek.html>

Жамоатчилик асосида обуна уюштирганлик учун улар топширган нақд маблағнинг 0,1-1 фоизига ҳақ тўланади.
Обунани расмийлаштириб, нашрларни муштарийларга etkazиб беришни зиммасига олган тадбиркор, меҳнат жамоаси ва маҳалла вакиллариغا шартнома асосида қўшимча рағбатлантириш пули берилади.

2003

СПОРТНИ СЕВГАН БОЛА

ҳеч қачон ёлғон гапирмайди, ёмонликка қўл урмайди

Муносабат

Маълумки мустақилликка эришганимиздан сўнг бошқа соҳаларда бўлганидек, спортга ҳам эътибор кучайди. Ватандошларимизнинг турли мусобақа ва турнирларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам бевосита ана шу имконият натижасидир. Бугун юртимиз ёшлари орасида спортга иштиқомандлар кўпайиб бораётганлигини кўриб бехабир қувонсангиз киши. Президентнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони ҳам юртимизда жисмоний тарбия ва спортга нечоғли аҳамият берилётганлигининг яна бир кўринишидир. Мухбиримизнинг Жисмоний тарбия институти ректори Роллжон Қудратовчи ҚУДРАТОВ билан суҳбати мазкур ҳужжатнинг зарурати ва ахтиржи хусусида бўлди.

— Ушбу фармон бизнинг соҳамизга бўлган эътиборнинг яна бир қиррасидир, — дейди домла Уз мулоқотида. — Унда кўзда тутилган босқичларни амалга оширсак, улкан муваффақиятлар эшигини очган бўламиз. Нега деганда юртимизда спортга муҳаббат бўлган ёшларни санаб адоғига етиш қийин. Уларнинг спортнинг маълум соҳасига йўналтириш, айниқса болалар қалбида спортга нисбатан иштиёқ уйғотишда бу фармоннинг аҳамияти катта. Бундан ташқари республикамизнинг қишлоқ жойларида спорт иншоотларини кўпайтириш, мазкур жамғарма кўмагида қишлоқ болаларини аниқ йўналтирилган тарзда жисмоний тарбияга жалб қилиш, улар орасидан эртанги кунда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган йиғиларни тайёрлаш, умуман олганда, ҳеч бир жиҳат назардан четда қолмаган.

— Халқимизда шундай нақд бор: от ўринини той босар. Негадир болалар спортини ривожлантириш ҳақида гап кетганда ота ва бола, она ва фарзанд муносабатлари ёдга тушади. Дейлик, ота стадионга борса, албатта унга боласи ҳам эргашади. Демак, ёшларни бу соҳага жалб этишнигина шу томонларни ҳам эътибор қаратишимиз лозиммикин?

— Дарҳақиқат, ажойиб одатларимиз бор. Айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги тўйларда қурашнинг сақлаб қолинганлигида ажиб ҳикмат бордек: бунда аввал кексалар, сўнг ёшлар гиламга чиқишади. Мана шундай одатларни ҳаётга янада кенроқ татбиқ этиш бизга катта ёрдам беради. Бир қатор хорижий давлатларда болани мурғалигиданоқ спортнинг маълум бир тури бўйича чиниқишига катта аҳамият берадилар. Аслида ўзимизда ҳам ҳаммаси азалдан шаклланиб келган. Фақат бундан анди аниқ тартиблар асосида йўлга қўйиш керак. Демак, ҳуринаники, бу борада ҳам анъаналарни сақлаб қолишда мазкур ҳужжатнинг ўрни беқийс. Кези келганда айтиб ўтиш жоиз, қишлоқ жойларда спортга ниҳоятда қизиқадиган, аммо

(Давоми 3-бетда).

Сўнгги хабарлар



Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Мамлакатимизда ҳали ҳеч ким халқаро мусобақаларда Оксана Чусавитина каби даражага эриша олмаган. Ўзбекистоннинг она қизи XIV Осиё ўйинларида 2 та олтин ва 2 та кумуш медали совриндори бўлди.

Аниқроқ айтганда, Оксана Пусанда ўтказилган олимпиаданинг қаҳрамонларидан бирига айланди.

Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг.

НАТО билан ҳамкорлик

Кеча пойтахтимизда НАТО ташкилоти ташаббуси билан Фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларнинг олдини олиш юзасидан халқаро ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича дастлабки анжуман ўз ишینی бошлади. Маълумки, келгуси йил мазкур халқаро анжуман, яъни ўқув машғулотлари мамлакатимизда ўтказилиши кўзда тутилган. Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш масаласига бағишланган ушбу анжуманда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг 15 та давлатидан вакиллари, шунингдек БМТ ва НАТО ташкилотлари штаб квартира аъзолари иштирок этмоқдалар.

Огоҳлик

Терроризм офатдир

Москва шаҳрининг Маданият саройига бостириб қирган бир тўда террорчилар дунё халқларининг қаҳр-газабига сабаб бўлди. Шундай бўлиши мижрадор эди, чунки барча динлар Яратганнинг мўъжизаси — инсон ҳаётига таъвоуз қилишга руҳсат бермайди, аксинча бунинг энг оғир гуноҳ деб ҳисоблайди.

Россия халқлари ўз мамлакатидега иқтисодий, сиёсий, ижтимоий изоҳотлар ва бунёдкорлик ишларини олиб бораётган бир вақтда уларнинг тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлган босқинчилар Москва шаҳрининг марказидаги маданият саройига суқулиб қирдилар. Бу жиноятчиларнинг ишларидан барча дунё халқлари, жумладан биз ўзбекистонлик мўмин-муслмонлар ҳам қаттиқ нафратландик. Бу босқинчилар дунё халқларининг қарнишига, Аллоҳнинг лънатига учраган ғаламислардир. Чунки, Куръонин қаримининг Монда сураси 33-оятда Аллоҳ таоло

огоҳлантирадики: «...Ер юзидега бузғунчилик қилиб юривчиларнинг жазоси — ўлдирилиш ё чормиланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилиниш. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охирада улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир».

(Давоми 3-бетда).

Доимий савдо ярмаркалари

Фарғонадаги "Марказий универмаг"да мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмолчи молларининг доимий савдо ярмаркаси иш бошлади. Ярмаркадан ёғ-мой, тамак, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бир қаторда мебель саноати маҳсулотлари ҳам ўрин олган.

Шунингдек, Бухорода ҳам ана шундай савдо ярмаркаси ташкил этилиб, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар ва қўшма корхоналарнинг маҳсулотлари намо-

йиш этилмоқда. Савдо ярмаркасидадан ўрин олган тайёр кийимлар, пойабзаллар, озиқ-овқат маҳсулотлари харидорларга маъқул бўлмоқда. Шу ернинг ўзидега икки томонлама фойдаланиш битимлари имзоланаётир.

Нью-Йоркка — велосипедда

Куран заминимизни велосипедда айланиб чиқишни мақсад қилган ўзбек сайёҳи Мурод Қосимов АКШга — Нью-Йорк шаҳрига етиб келди. Бундан тўрт йил муқаддам у саёҳатининг биринчи босқичида Осиё ва Африканинг 25 мамлакатидега бўлган эди, — дея хабар қилади "Жаҳон"АА мухбири. Саёҳатининг кейинги босқичи океан орти мамлакатидега яқин топди.

— Қийинчиликларга қарамадан ўз мақсадиндега эришганимдан ва бошда дўппим, қўлимда юртим байроғи ва гербни Манхеттен кўчаларида баланд кўтариб юрганымдан фахрланаман, — деди сайёҳ.

Соҳибқирон Амир Темурад буюк зотларни дунёга келтирган бу муқаддас заминда ўз куч-қудратига ишонган, иродаси тоғ қояларидек мустаҳкам одамлар билан елкама-елка ишлаб, улар билан нон-тузни баҳам кўрган кунларим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Ислом КАРИМОВ

Мен шу чўллар кўйида туғилиб топдим камол, Кўҳна сардобаларда кўмилиб қолди дардим. Лекин нар арслондан сун талаб қилган мисол, Олис шаҳар, тоғлардан илҳомимни ахтардим.

Ҳозир бу кенг дунёга, замоннинг шакли-шамойилига назар ташлаб, кўпинча уни муқояса-лар дунёси, деб атагинг келди. Бир вақтлар ёзган юқоридаги байтларим эсимга тушар экан, мен ўз умрим давомида кўрган-кечирганларимни нималаргадир таққослагим келаредди.

Утган асрнинг элгинчи йилларида биз ўқиган мактаб ноҳалари эсимда. Уларни бугун тасвирласам ҳозирги ёшлар ишонмаслиги мумкин. Зах, пастак синф хоналарида юпунгина бир ҳолда дийдираб ҳарф ўрганганмиз. Ҳатто фаройиб манзаралар ҳам учраб турарди: баъзан ўша каталакдек синфларда бир-варайига тўрт синф ўқувчилари биргалликда сабоқ олаверарди. Олд қаторда биринчи синф, кейинги қаторда иккинчи синф ва ҳоказо тартибда. Албатта, ўқитувчимиз ҳам бирйўла тўрт хил мавзудан гапирарар эди.

Ушбу хотиралар ҳаёлимга дафъатан келгани йўқ. Мана, ҳозиргина Усмои Юсупов туманида — кечати чўлнинг қоқ марказида қурилган Жейнов саннат коллежини кўриб қайтдим. Бундай гўзал ва маҳобатли иморат дунёнинг ҳар қандай мамлакатида наинки эътироф, балки ҳавас ҳам қилиниши мумкин.

Мен ҳозир коллежда ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитларни бирма-бир санаб ўтирмайман. Бу ерда махсус жиҳозланган компьютер, кимё лабораторияси ва тил ўрганиш хоналари ҳам мавжуд. Спорт заллари-ку, алоҳида бир мавзу.

Мени шу ўринда ажиб бир ҳиссиёт чулбаб олди. Бу фаройиб даргоҳга қалам қўйган одам ўзини беҳиштер бошқача сеза бошлайди. Тоза, озода кийиниб, ювиниб-тараниб, гўзал фикрлар билан тўйиниб, астойдил билим олгани, муносиб ва гурурли ўқувчи бўлиши келди.

Очгини айтганда, ҳозирги куннинг талаби ҳам худди шундоқ. Янги даврнинг янги авлоди, ўзбекистон қорақўш фарзандлари ўзларини ҳеч кимдан кам эмаслигини ҳис қилган ҳолда мана шу каби даргоҳларда таълим олиш имкониятига эгадирлар.

Бу имкониятлар қайқандан пайдо бўлди? Ахир, улар осмондан тушган эмаслар? Буни болаларимиз билки билар, билмаса эртага билишар. Лекин катта ёшларда бу тафовутни аниқ-тиниқ ҳис қилдилар, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда мен юқорида айтган сингари коллеж ва лицейларнинг сон-саногини йўқ. Таққослайман десанг, ўқув даргоҳларидан бошқа неча-неча иншоотлар, катта-кичик завод, корхоналар, йўл ва кўприклар бор.

Албатта, бу ифтихоримизнинг биринчи манбаи — мустақиллигимиз яратган буюк имкониятдир. Лекин бу имконият ҳам ўз-ўзидан ярилиб қолмади-ку! Уни кимлардир меҳнатно фидойилиги билан тайёрлади, бунёд этди. Айниқса, Қашқадарё вилояти-

нинг кейинги даврлари тарихига бир қур назар ташлайдиган бўлсак, жуда кўп ибратли воқеаларга, унутилмас сабоқларга рўбару келамиз. Яъни Қашқадарё ақли ўзига хос бетакрор, долғали йўлларни босиб ўтди. Улар энг оғир даврларда ҳам халқ учун, оддий инсонлар учун қуйинган, бошини силаган оқсоқолларнинг номларини миннатдорлик билан эслайдилар.

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деган аjoyиб нақл бор. Қашқадарёликлар фикр қиладиган кунларни ҳам, шукр қиладиган кунларни ҳам кўрди. Бу вилоятда қанчалар қанча кай-вонилар ишлаб ўтдилар. Бириндан ундоқ, иккинчисидан бундоқ хотира қолди. Мен юқорида

гапни таққосдан бошлаган эдим. Ана энди шу фикримни ойдиллаштиришга бир оз ҳаракат қилай.


Менинг ижодкор бўлиб бир қадар шакланган пайтларим ота юртим Қашқадарёда Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлиги қилган йилларга тўғри келган. Мен ўша йиллари ҳам унча-мунчани фахулайдиган ёшда эдим. Вилоятда ўз бераётган кескин ўзгаришларга кўпчилик қатори гўвоҳ ҳам бўлганман. Ушанда халқ адолат тикланаётгани ҳақида қониқиб гапира бошлаган эди. Ахир, ўйлаб кўринг, вилоятда парокандалик, гуруҳ-бозлик, ҳақсизлик ва талон-тарожилик гуллаган, давлат деган “амакимиз”га бирор одам ишонмаётган, ҳурмат ўрнини кўрқув ва нафрат эгаллаган, эр-танг кунга ишонч қолмаган, қисқа қилиб айтганда, вилоят таназул ботқоғига ботган бир пайта Ислом Каримов биринчи раҳбар бўлиб келгач, юқоридаги сингари иллатларни қури-тиб, оддий халқ манфаати учун фидойилик кўрсатаётганда халқ албатта: “Ана энди адолат тикланмоқда” деган эди-да.

Биринчи раҳбарнинг халқ тинчлиги, хотиржамлиги ва фаровонлигидан бўлак манфаати бўлган эмас. Уша жараёндарини эслатувчи ўнлаб, юзлаб мисолларнинг келтирилиши мумкин. Келинг, нокамтарлик бўлса ҳам гапни ўзимдан бошлай қолай. 80-йилларда нима бўлдию “Жан-

натга йўл” деган пьеса ёзиб қўйдим. Бу асар ҳали қўлёзма ҳолидаёқ бошимга бало бўлди. Эмишким, асарда совет тузуми бузиб кўрсатилган. Порахўрлик айтилган. Қисқаси, муаллифини жазолаш шарт. Бу ҳақда Марказий қўмига раҳбари номига бир гала қаламкаш “устоз”ларим айбнома етказишга ҳам улгуришган эди. Она родини ижро этаман деган халқ артисти Сора Эшонтураеванинг ёдлаган сўзлари жой-жойида қолиб кетди. Қисқаси, гап кўпайди. Шундоқ шаронда Қашқадарё вилоят театри ушбу асарни сахнага олиб чиқди. Унинг тақдиротида, қарангки, вилоятнинг биринчи раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов қатнашдилар ва мен билан ёнма-ён ўтириб спектаклни томоша қилдилар. Не бахт-ки, бу инсон менинг “шўрпе-шонна” асарим ҳақида илиқ гапларни айтдилар. У киши фикр билдириш билан чекланмай, эртаси кунни вилоятнинг жами бюро аъзолари спектаклни келиб кўриши ҳақида кўрсатма бердилар.

Мана, Муҳаммади Рўзиев ҳикоясидан бир шингил:

— Биз Ислом ака билан кўп дала кезганмиз. У киши чангу тупроқни писанд қилмай, иш қайнаб турган ерга тикка кириб кетаварарди. Марказдан келадиган бўлар-бўлмас топшириқларга қараб ўтирмасдан, халқнинг фикрига қўлоқ солиб қарор чиқарарди. Бир мисол келтириб ўтай. 1987 йилнинг баҳори эди. Ёгин-сочин кўп бўлди. Сел келди, дарёлар тошди. Қалқамга кўп сув тушди. Сув омбори тошадиган бундоқ қолди. Теварак-атрофда қанчалар қанча қишлоқ, Худо кўрсатмасин, тўғон бузилиб сув босса, ҳаммининг бўладигани бўлади. Барча раҳбар шу ерда. Тошкентдан министрлар ҳам келган. Ҳаммининг боши қотган. Пойтахтдан келган вакилнинг таклифи кўпчиликам ёқмади. У қишлоқлардан одамларни кўчиришни таклиф қилди. Вақт тигиз эди. Шунда Ислом Абдуғаниевич бирдан-бир жуъли фикрни айтдилар. Яъни, сув омбори ёнидан қўшимча



Шаҳрисабз азим шаҳар, гул шаҳар, Темури юрти — қадим шаҳар, бул шаҳар.

ҚАШҚАДАРЁ — МУҚАДДАС ЗАМИН

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Кейинги оқшом ўзбек тилини муздақ билмайдиган русийза-бон котиб ҳам асарни келиб кўрган.

Йиллар ўтди. Бу камтарин асаримнинг йўли очилиб, кўпгина театрларда кўйилди. Лекин унга кимлар биринчи бўлиб йўл очмаганда оқибат нима бўларди? Узим билан боғлиқ шунга ўхшаш жуда кўп мисолларни келтиришим мумкин.

Шу ўринда бошқа юртдошларимнинг ҳам хотира ва эътирофларини келтириб ўтсам жоиз бўлар деб ўйлайман. Бу оқсоқолларнинг кўпчилигини ақиндан танийман. Уларнинг наинки исм-шарифларини, балки фароғатларини ҳам Юртбошимиз, ханузгача эсдан чиқарган эмаслар. Мени гоётда ҳайратга солган бир жиҳат шулки, Президентимиз номларини эъзозлаб турган кишиларнинг ҳаммаси бир-бирига гоётда ўхшаш.

Бу ўхшашлик нимадан иборат? Уларнинг барчаси меҳнатчил, содда, ишонувчан, оққон-гил, фидойил, қаноатли инсонлар. Ана шулардан бири Муҳаммади Рўзиев бўладилар. Бу киши узоқ йиллар вилоят сув ҳўжалиги ташкилотларига раҳбар бўлиб, катта-кичик сув қурилиши иншоотларида югуриб-елиб хизмат қилганлар. У кишининг феъллари шундоқки, каттага ҳам, кичикка ҳам баб-баробар, астойдил алдасанг алданадиган боладек содда. Айни чоғда, ишга пухта, ҳадоқ-пок, нашини индалосини айтиб қўя қоладиган аjoyиб шахс. У кишининг фаолиятида бўлиб ўтган қизиқ бир лаҳзачани сизга эслатиб ўтай. Шу денг, вилоятни, республикамизнинг каттакон анжуман бўладиган экан. Бир вақт қутилмаганда Муҳаммади Рўзиевга сўз бериб юборишибди. Энди Рўзиев вилоят ҳақида жуда қамровли гаплар айтиши керак-ку! У, албатта, ҳар жиҳатдан пухта, салобатли маъруза бўлиши шарт эди-ку. Муҳаммади ака эса минбарга чиқа солиб: “Қашқадарё... Эҳ-ҳе...” деганча минбардан тушиб кетаверибди. Ана шу биргина “эҳ-ҳе”да Қашқадарёнинг маҳобатно, имконияти билиниб турганигини ўша анжуман иштирокчилари ҳам сезиб, пайқаб олган бўлсалар, ажаб эмас.

Ҳа, Муҳаммади ака ана шундоқ тўғриси, устамонлики билмайдиган яхши одам. Кунни кечан мен Муҳаммади акани кўрган бўдим. Оқсоқол лабларида ўша-ўша бегубор табассум, мамуният билан яйраб ўтирибдилар. Гурунгимиз ўтган-кетган ҳар хил хотиралар билан бошланиб кетди. Албатта, Муҳаммади аканинг хотира бисотида истаганча аччиқ ҳам, чуқуқ ҳам топилади. Бироқ суҳбатлошим ёнда муҳрлиб қолган кўпгина ибратли ҳикояларни қўли дили очилиб сўзлай бошлади.

ташламалар қурагимиз, дедилар. Ҳаммамиз бу фикрни маъқулла-дик ва уни бажаришга дарҳол киришдик. Эсимда, ўша кунлари Ислом ака оёқда резина этик, дала кийимиде вагончада бизнинг ёнимизда бўлдилар, руҳимизни кўтардилар. 250 куб метрлик хавфсизлик қувири қури-либ, муқаррар ҳалокатнинг олди олинди. Ҳа, у киши ҳамма раҳбарга ибрат бўладиган кўп ишларни амалга оширдилар.

Дарҳақиқат, вилоятнинг қайси бир туманига борманг, қайси бир соҳа вакили билан суҳбатлашманг, ўша йиллар ҳақида тўлиб-тошиб гапирадилар. Биринчига ўхшамаган, ибратли воқеаларни эсга оладилар. Мана, феъл-атвори Муҳаммади Рўзиевга қуйиб қўйгандек ўхшаб кетадиган “Муборак” қорақўл на-слчилиқ ширкат ҳўжалиги раҳ-бар, туркман оғамиз Ҳайитмурод Оқмаматовнинг гапига қўлоқ солайлик. У киши раҳбарлик қилаётган ҳўжаликнинг ҳам тарихи узоқ. Бир замоналар йўқ бўлиб кетиш даражасига кел-ган. Вилоят раҳбари Ислом Каримовнинг қатыяти ва ёрдами туфайлигина бу ҳўжалик сақлаб қолingan.

Ҳайитмурод ака ҳам бошидан кўп нарсаларни ўтказган. У киши айтиб берган бир воқеа Беҳли ёса арзигулик рубойига мавзу бўларди. Шароит тақозоси билан Ҳайитмурод ака бир ёш, гапта чечан йигитни катта-роқ лавозимга тавсия этган экан. У йигит лавозимга ўтирибди ҳам. Лекин биринчи ишини Ҳайитмурод аканинг ўзига ҳужум қилишдан бошлабди. Кейинроқ бу ноқас ҳамма ёққа қора чап-лай бошлагач, албатта, тегишли жазосини олиб кетган.

Ҳайитмурод ака бу воқеаларни қулибгина эслайди. Ҳа, одам боласини аниқ билиш қийин экан-да. “Мол олмаси ташида, одам олмаси ичида” деган нақл тўғри экан. “Бир қарасам қамал-тўб кетадиган чўгим бор, — деб эслайди у. — Ислом Каримов мени асраб қолдилар. Ноҳақ тўх-матлар, ўринсиз ҳужумлардан ҳимоя қилдилар. Сиз кўриб тур-ган мана шу стол атрофида Ислом ака билан кўп ҳамсуҳбат бўлганман. У киши ҳўжалигимиздаги чўпон-чўликларни ном-ма-ном билардилар.

Сизлар эшитган бўлсангиз ҳам бир гапни айтиб ўтай. Ўша йиллари юқоридагилар бирданга Қашқадарё вилоятини тутатимиз деб қолишди. Шунча ери, гази, ғалласи, пахтаси, чорваси бор каттакон вилоятни-я! Ислом Абдуғаниевич наинки менга ўхша-ган айрим одамларни, балки бутун бир вилоятни сақлаб қолди-лар ўшанда.

Ана қаранг, рўпарангизда сав-лат тўкиб турган чойхонамиз ҳам Ислом аканинг таклифи билан қурилган. Наврўзи олам қатағон-га учраб турган бир пайта, Ис-

лом ака унинг номини “Наврўз” деб қўйинглар, дедиларлар.

Мен ҳозир бир қарашда ном-дор бўлмаган, оддий меҳнаткаш юртдошларимнинг гапларини келтириб ўтам. Ҳайитмурод ака каби фидойилар яшаб турган мана шу ҳудуд Муборак номи билан ҳам маъшурдир. Бу жой-даги йирик нефть ва газ ком-плексининг кучга тўлиб, оёққа ту-риши бевосита Ислом Каримов-нинг узоқни мўлақабат юри-ган фаолияти билан боғлиқдир. Бу комплекс мустақиллик йил-ларида халқимиз мулкига айла-ниб, мамлакатимиз белгига қув-ват бўлиб турибди. Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги билан равнақ топмоқда. Бу ерда Юртбошимизнинг тарбиясини олган кўпгина жонқуяр инсон-лар меҳнат қилмоқдалар. Кон бошқармаси мутахассисларнинг аксарияти маҳаллий кадрлардан иборат. Жуда катта ифтихор ва мамуният билан айтиб ўтишим шартки, Ислом Абдуғаниевич ўша йиллардаёқ маҳаллий аҳоли орасидан кадрлар тарбиялашга жуда катта эътибор берган эди-лар. Бу йўлдаги турли таъна-ташномаларни дала қайриб ташлаганлар. Мана бугун бу сый-ҳақаратлар ўз самарасини бериб турибди.

Менинг бу сафарим Ислом Абдуғаниевичнинг Қашқадарёга таширф буюрган кунларига тўғри келди. Ҳеч шубҳасиз, Ислом ака, ўша таширф кунлари ҳам оддий одамлар билан мулоқотда бўлди-лар, дала кездилар. У киши билан учрашган ҳар бир қашқадарёлик ўз ҳаёқонини яшира ол-май, мамун юрганлигининг гу-воҳи бўлдим. Шу ҳудудда юриб, дўст-биродарларни ютуқлари билан табриклайман кетишим асло мумкин эмас эди, албатта. Са-фардош укаларим билан бирга Жейнов деган азим манзилга йўл олдик. Жейнов наинки Қарши-даштидаги, балки мамлакатимиз-даги қадимий масканлардан бири. У ерда 20 мингта яқин аҳоли истиқомат қилади. Демак, ўз вақтида очилиши ниҳоятда зар-рур шунча муаммо ва савол ҳам мавжуд бўлган.

Ислом Абдуғаниевич жейнов-ликларга аввал ҳам, ҳозир ҳам катта эътибор кўрсатиб келмоқ-да. У кишининг берган йўл-йўриқлари туфайли ҳўжалик оёққа турди. Мен юқорида ай-тиб ўтган маҳобатли коллеж ҳам мана шу жойда қад ростлаган. Замонавий сун заводини қура-ман, десангиз ҳам Жейновга бо-ринг. Исроил технологияси асо-сида қурилган мазкур корхонада ўн икки хил аъло сифатли маҳ-сулот олинар экан: сун, қатиқ-дам тортиб, йогурт, пишлоқ, бринза ва ҳоказо. Барча хиллини ҳаммасангиз, каттакон дастур-хона сиймайди. Ҳўжаликнинг ғалласино пахтасини гапирмай қўя қолайлик. Унинг боғ-роғла-

рини айтмайсизми? Сархил мева-чеваларни қайта ишлайдиган завод ҳам қурилиш арафасида. Жейнов марказида аjoyиб маданият саройи қад ростлаб келтирибди. Саройнинг қурилиши, ҳатто нақшлари ҳам Ислом аканинг маслаҳати ва кўмаги туфай-ли бунёд бўлган. Яқиндагина Ўзбекистон Қаҳрамони деган юккак унвонга сазовор бўлган Муродилла Саидов ана шу ҳўжа-ликка раҳбарлик қилади.

Айни пайтада захматкаш халқимиз ҳақида сўз юритар экан-миз, машғум йилларда пахта-корларимиз бошига тушган кул-фатларни эсламай иложимиз йўқ. Глянчиларнинг ёвуз кир-дикорлари тарихини бугун ҳамма яхши билади. Йиртқиқ тўданинг ҳамласига даставвал қашқадарёликлар дуч келган эди. Ўша оғир йилларда вилоятнинг биринчи раҳбари бегуноҳ фуқа-ронинг ҳимояси учун мардона-вор кураши, ҳибсга олинганлар-нинг тақдири билан муттасил шуғулланди. Ҳурланган бир аёл раҳбарнинг қабулига ҳасрат би-лада кирганда, Ислом аканинг кўзи дафъатан онаизорнинг бар-моқларига тушди. Унда глян-чилар юлиб олган узукдан қол-ган оппоқ оқарган излар шун-доқгина билиниб турар эди. Шу ҳолатни кўргандаёқ раҳбар бу-тун фожеани англаб етган эди. Ислом Каримовнинг матонатчи туфайли минглаб юртдошлари-миз рўшноликка чиқди, адолат тантана қилди...

Қашқадарёга бу йил баракан-ли келди, дейиш мумкин. Бал-ки кимдир бунни омадга ҳам йўлар. Бироқ, омад ҳақида ме-нинг фикрим шуки, агар у кел-са — бор, келмаса — асли йўқ нарса. Албатта, онажонимиз та-биятининг мурувватига ҳаммамиз ҳам кўз тикамиз. Бироқ ёмғир икки далага бир ёққани билан уларнинг бирини мўл ҳосил, ик-кинчисига эса ҳеч нарса ун-маслиги мумкин. Қашқадарё-ликларнинг бугунги эришиб турган ғалабаларни замирида шак-шубҳасиз, одамларнинг фи-рудокорона меҳнати ётибди. Чи-дам ва саботи ётибди. Қаноати ётибди. Фидойилиги ётибди.

Агарки ибратли анъаналарга, сабоғу тажрибаларга таяниб, халқ билан бамаълаҳат иш қўрилса, унинг самараси бандан бўлиши-ни юқорида биз эслатган воқеа-лар тасдиқлаб турибди. Қашқадарё халқи азалий меҳ-наткаш халқ. У қайси бир соҳа-га қўл урмасин улдасидан чиқ-қан. Мен ҳозир унинг олис та-рихи ҳақида сўзлаб ўтирмақчи эмасман. Биргина Темури бобою Шаҳрисабзни эсга олсак, бутун бир тарих кўз олдимизга кела-ди. Мана, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйини ҳам нишонлаб турибмиз. Шаҳрисабз деганда менинг хаёлимдан кўп маъзун ўйлар ўтади.

Ажабо, шундоқ қадимий ва бетакрор шаҳар, Амир Темурад зотнинг маскани, не-не буюк шоиру мутафаккир олимларнинг зуваласи олинган юрт, Оқсарой-дек буюк меъморий қосноҳлар бунёд бўлган сажағоҳ макон нега кўп йиллар давомида одам-лар назаридан четда турди?

Мана шу муаммолар ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг эътиборида эди. Эсимда, ўша йиллари биз Ислом ака билан Шаҳри-сабзга таътиганимизда мен “Хўш анави тоғларнинг ётағида Алпо-миш от сурган” деб қолдим. Ис-лом ака эса: “Дарҳол таклиф би-лан чиқинглар. Мен Алпомиш-нинг ҳайкалинини ўрнатаман”, де-дилар. Лекин шўро даври Езув-чилик уюшмасининг бундай так-лифи беришга журъати етмас эди.


Худди шу Шаҳрисабз йўлла-рида, Қашқадарё қирғоқларида, катта йўлнинг шундоқгина че-тида иккита ташландиқ қабр бўлиб, халқ уларни Тоҳир-Зух-роник дег эди. Ана шу қадим-жо, худди ўша оғир йилларда, шахсан Ислом Каримовнинг бошчилигида омад қилинди. То-ҳир ва Зухрога — муҳаббат тим-солларига аjoyиб ёлдорлик ўр-натилди. Атроф тевариги гул-зор қилинди. Ҳозирги кунда кимки шу йўлдан ўтса, мазкур ёлдорликни зёрат қилади. Ке-лин-куёвлар атайлаб келишиб, аҳду паймон қилдилар.

Ахир бу беназир хизмат-ку, беназир ибрат-ку!

Истиқлол йилларида Шаҳри-сабзнинг қадимий шаҳар сифа-тида ЮНЕСКО тарафидан рас-ман эътироф этилиши, унинг энг мўътабар ёлдорликлар сира-сига, яъни “Бутунжаҳон мероси рўйхати”га кириши ўз-ўзидан со-дир бўлган эмас. Мен бунни яхши биларман. Шу кунларда Шаҳри-сабз, қадим Кешининг қадди яна кўтарилиб, жаҳонга кўз-кўз қила-диган даражага етишиб туриб-ди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган таъмирлов-чилар, уста нақшошларнинг ас-тоҳидил меҳнатлари албатта тақ-синга сазовор. 2700 ёшли кўҳна Кешимиз бундан бўён жаҳоншум-бул Буюк Ипак йўлининг шоҳ бекатларидан бири бўлиб қола-жак.

Дилмида гапларим кўп. Ёза-диган хотираларим бисёр. Ҳозиргача айтганларим катта та-рихнинг айрим вақралари, хо-лос. Қашқадарё вилояти яна оёққа туриб келаётир. Мухтарам Президентимизнинг бутун мам-лакат бўйлаб бошлаган ислохот-лар ўз самараларини бераётир. Қилнайдиган ишлар ҳам, албат-та, кўп.

Боболарим юрти, отам маскани, Онамнинг муборак хоки барқарор. Бир фарзанд мисоли қутлайман сани Эй, оташ заминдан замирдан яралган диёр!



Ватанимиз шаънини улуглаганлар

Олимпиада қаҳрамони

Эсингизда бўлса, 80-йилларда Руфат исми йигитни учратсангиз ўз-ўзидан тилингизга «Рисқиев» деган сўз куйилиб келарди. Бугун эса Оксана исми кўра дуч қолсангиз бехитёр «Чусавитина» деган каломни айтиб юборганингизни билмай қоласиз. Негаки Оксана шу кунларда Ўзбекистоннинг ифтихорига айланган. Айниқса, унинг номи Пусана, яъни XIX Осиё ўйинларида жуда машҳур бўлиб кетди. Жанубий Кореядаги машҳур компаниялардан бири — «Самсунг»нинг 6000 нафар журналист орасида ўтказган «Олимпиаданинг энг яхши спортчиси ким?» деган сўровида Оксана биринчи ўринни эгаллади. Ваҳоланки сўровда Малайзия, Вьетнам, Индонезия, Хиндистон, Япония, Корея ва бошқа бир қатор мамлакат қалам аҳли қатнашган эди. Осиё ўйинларида меҳмон бўлган россиялик спортчи, жаҳон ва олимпиада чемпиони Светлана Харкина «Дунёда Оксанадай феноменал спортчи

йўқ» деб таърифлаганди.

Тошкент — Оксананинг она шаҳри. У шу ерда таваллуд топди ва етти ёшлигиданоқ гимнастика билан шуғуллана бошлади. У гимнастиканинг машаққатлари ҳам, муваффақиятлари ҳам кўп кўрган спортчи. Зеро, гимнастикадек оғир ва ўта заҳматли спорт тури билан шуғулланиш учун, энг аввало, қаноат ва ирода зарур бўлади. Салгина лоқайдлик ёки эътиборсизлик, машқларнинг пухта бажарилмаслиги ҳар

қадамда панд бериши мумкин. Ваҳоланки бундай қилишга спортчининг, айниқса, номи тилга тушган Чусавитинанинг ҳаққи йўқ. Чунки у билдики, унинг ҳар бир қадими, ҳар бир ҳаракати бутун Ўзбекистон кутиб, кузатиб турибди. Ундан фақат галаба жоиз. Билмак, у ўз Ватанида берган ваъдасининг устидан чиқолмайди. У Пусанга учётганида дўстларига албатта галаба билан қайтишини айтганди. Чусавитина учун Пусан

Оксананинг наббатдаги кумуш медали

Шотландиянинг Глазго шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубоғи босқичи давом этмоқда. Яқиндагина Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистон тезда жамоаси газнасига иккиталдан олтин ва кумуш медалга туффа этган ҳамюртимиз Оксана Чусавитина Шотландиядаги мусобақада ҳам муваффақиятга иштирок этмоқда. Оксана гимнастиканинг таяниб сакраш машқларида кумуш медалга сазовор бўлди.

ўйинлари янгилик эмас эди. У Олимпиада мусобақаларида туртинчи бор қатнашиши. Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон мусобақаларида бунақа кўп марта иштирок этиш ҳали ҳеч кимга насиб этмаган. Оксана 27 ёшида ёш, кучга тўлган гимнастикачилар билан рақобат қилди ва медаллар шодасини бўйнига тақди.

Оксана каби иродали қизни ҳали учратмаганман, — дейди унинг тренери Светлана Кузнецова. — У ҳар қандай шароитда ўз устида меҳнат қилишга вақт топа олади. Бундай қатъиятдиллик уни ҳамisha олдига чорлайди ва сафнинг аввалида туришга олиб келади.

Оксананинг турмуш ўртоғи ҳам кўза кўринган спортчи. Уни муштарийларимиз яхши билишади. Кураш бўйича спорт устаси Баҳодир Курбонов олимпиада ўйинларининг совриндори бўлган. Айни пайтда машҳур гимнастикачи, америкалик Нелла Ким Оксанани Грецияда бўлиб ўтажак олимпиададаги тайёргарлик кўриш учун денгиз орти мамлакатига тақлиф қилган. Биз Оксананинг Афинадаги галабаларига ҳам ишонамиз ва унга зафарлар тилаб қиламиз.



Гимнастика — гўзаллик рамзи. А.ИЛЁСОВ «Жаҳон» АА олган сурат-лавҳа

Ўз мухбиримиз.

Қадрият

Шундай тўй бўлдики... Кечаги Жангтоҳ майдонида, бугунги Эскижўва, келажакда ажойиб театр биноси бунёд этилиши мумкин бўлган, ҳозирча Ёш томошабинлар театри макон топган жойда ўтган жума кунги ажойиб тўй бўлди. Унинг овозаси Кўкча дарбозаси, Самарқанд дарбоза, бугёи... бошқа тарафларга ҳам таралди. Тўйга келганлар китобларни титкилаб топа олмайдиган хўп яхши гаплар эшитдилар. Бу антиқа тўйда бўлмаганлар ҳали анчагача армонда, доғда юриши тайин. Чунки унинг доғруғи тилдан-тилга кўчиб, тарқалса тарқаладики, ҳали-бери совумайди.

рининг отаси ўриндигига яна бир бор таъзим қилдию, кейин ўзи учун ажратилган, поёига анвойи гуллар тушган жойга бориб ўтирди. Энди уни ўзи уйнаган, яратган образлари «кутлади». «Уч мушкетёрлар» сўяти саҳнада қотган қироличани» сабр-қаноат орденига муносиб кўриши. «Ун беш кунлик тўдин ой» дея таърифлади «кинначи хола». «Қалдирғоч» даги Асалхон «саҳнамиз маликаси бўлиб юзга ки-

дилдан, завқ-шавқ билан рақсага тушилар. Ўзларининг сезимли артистларига хўмрат-эҳтиромларини изҳор этдилар. Марҳум санъаткорларнинг фарзандлари, маорифчилар, шифокорлар, айниқса ҳамкасблар кўт-

Болажонисининг бувижони

Ушбу тўй қайта-қайта айтилганидек, Ўзбекистон ёш томошабинлар театри тўйин, байрами эди. Санъаткорнинг, уларнинг онажониси, болажонларнинг бувижониси Мухаббат ая Йўлдошеванинг таваллуд тўйи эди. Одатда театрга келган муҳлис томоша кўради. Бу сафар бўлса ўзгача бўлди. Театрда бўлса ҳам ўзбекининг тўйи-да. Саҳнага чақалогини аллаб қичқан келин бир кўриндию, кейин жажжи қизалогини бошга олиб кетаётган аёл пайдо бўлди. Сўнгра у қизини мактабга кузатибди. Шу қизнинг ўсимирлик чоғлари кўриниши, илк учрашуви ва ниҳоят оила қурган эр-хотинлар пайло бўлиши. Сўнг саҳна бир зум кимсасиз қолди. Шунда бир жуфт қизил гул кўтарган, бошдан оёқ оппоқ кийинган, тик қоматли аёл саҳнада осилгич турган гўртта йнгирма рақами орасидан ўтиб, икки томонга қўйилган ўриндик томон кела бошлади. Улардан бирига қўлидаги гулларни қўйди-да, кўзида ёш таъзим бажо келтирди. Шунда бирдан Мухаббат аянинг умр йўлдоши, Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Обид Толиповнинг

овози янгради гўё. Ҳаммаини кўз ўнгига бу ажойиб санъаткорнинг руҳи жуфти ҳалогини ўзи етолмаган кўт-луг таваллуди билан муборакбод этарди. Улар бир-бирлари билан илк учрашувларини — мактабда ишлаб юрган Мухаббатхоннинг Обид акасидан дастхат олганини ва ўшандаёқ ҳар иккаласининг юрагига сеғви учқунни тушиб, кейин у қанчалар аланга олганини эслашди. Шу чоғ мен ҳам ҳали кўча-кўйда, бозорда, транспортда бир-бирларини қўлтиқлаб, алланималарни муҳокама қилиб юрۇвчи бу жуфтликни кўп бора учратганимни эсладим. Улар бир-бирларига меҳр-оқибатли эдилар. Улар бир-бирларини нафақат оилала, балки саҳнада, ижода ҳам сўяб, аяб яшадилар. Шу боис уларга ҳамма ҳавас қиларди, ҳасадга ўрин қолмасди. Бу эса уларнинг фарзандларига ҳам «юқди». Отасининг зурриёдлари, фарзандлар камоли бугун аяга қўшқанот, сунячиқ. У аввало она бўлиб, қолаверса отасининг йўқлигини билдирмай, адажон, доложон ўрнида ҳам оиласининг париски, фаршгаси... «Сўхбат» тутаб ая бола-ла-

рининг», дея тилак билдирди. Унга ҳатто «генерал-хоним» деб мурожаат ҳам қилишди. Ая уларнинг барини эслади. Ахир ҳар бир роли унинг фарзанди мисол-ку. Шу дамда хаёлидан нималар келди, ўзига аён. Образларини яратишдаги туну кун қилган машаққатли меҳнатнинг роҳати эди бу кеча. Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев таъкидлаганидек, Ўзбекистон халқ артисти Мухаббат Йўлдошеванинг 80 ёшлик ижодий кечаси эди бу. Уни қутлаган «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бир-лашмаси Бош директори, Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси раиси Омонулло Ризаев «Буюк она, дуоғуй бувижонисиз» деб таъриқат бергани бежиз эмас. Чунки шу кеча Мухаббат аяни қутлаган аваралар — «Тантана» гурӯҳи ширинтойларимо, етук санъаткорлар — Фуломжон Еқубов, Нуриддин Хайдаров, Мирзабек Холмедов, Илҳом Фармоновлар бу муборак зотнинг самимий тилак-истаклари, дуои фотиҳаларини олишга мушарраф бўлишди. Улар қуйлаганда залда ўтирганлар — тўйга келганлар ҳам дил-



Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳарбий хизматга кузатув

Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида ёшларни ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Унга бўлажак аскарларнинг ота-оналари ва яқинлари тақлиф этилди. — Воёга етган ҳар бир йигит учун Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз конституциявий бурчини шунчаки адо этиш эмас, балки унинг виждон амрига айланмоғи шарт, — дейишди бўлажак аскарлар. — Негаки, аскар, энг аввало, Ватанини, унинг тинчлиги ва соёишталлигини ҳимоя қилади. Таъдирдан сўнг ҳарбий хизматга қақрилувчилар, уларнинг ота-оналари учун санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

«Соғлом оила» кўрик-танлови

Бухоро шаҳрининг Файзулла Хўжаев туманида «Соғлом оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда унинг иштирокчилари репродуктив саломатлик, тиббий маданият ва бошқа йўналишлар билимларини намойиш этдилар. Яқунга қўра, Ширбуллин қишлоқ фуқаролар йигинида яшовчи Фаффоровлар оиласи галаб, деб топилди. Бундай кўрик-танлов вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

«Халқ сўзи», «Туркистон-пресс».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2002 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича **АСПИРАНТУРАГА** қабул эълон қилади:

- МАКРОИҚТИСОДИЁТ (агросаноат мажмуида);
- МИКРОИҚТИСОДИЁТ (агросаноат мажмуида).

Хужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
700097, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй, 2-қават, 5-хона, аспирантура бўлими.

Телефонлар: 76-86-44, 76-86-00, 117-50-16.

ALUCOBOND

АЛЮМИНИЕВЫЕ КОМПОЗИТНЫЕ ПАНЕЛИ
ДЛЯ НАРУЖНОЙ И ВНУТРЕННЕЙ ОТДЕЛКИ ЗДАНИЙ

Мен прообразил облик Вашего Здания!

БЕСПЛАТНО
Вызов специалиста. Разработка дизайна. Доставка. Установка.

Гарантируем качество при оптимальной цене!

Тел./факс 195-41-53, тел. 187-44-65, 188-98-42.

АЛ-ЗАМИ

ВИТРАЖНЫЕ СИСТЕМЫ
ОКНА ДВЕРИ

А также производим СТРОИТЕЛЬНО-ОТДЕЛОЧНЫЕ РАБОТЫ

доставка и установка по городу Ташкенту — бесплатно!

Тел. факс 195-41-53

Изготовление по размерам заказчика.

187-44-65, 188-98-42

TS-Technology компанияси қуйидаги хизмат турларини тақлиф этади:

- лойиха тузишдан аввалги тадқиқот ўтказиш;
- лойиха тайёрлаш;
- лойихани амалга оширишни техник қўллаб-қувватлаш;
- ходимларни ўқитиш ва маслаҳат бериш;
- жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг жиҳозларини етказиб бериш.

Манзил:
Тошкент ш., Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес мажмуи, гарбий томон, 2 йўлак, 29, 30 идора.
Телефонлар: (371) 137-72-91, 137-72-92.
Факс: (371) 137-72-98.

«ТЕЗИНТОМ» ҚК-БУ
ЧИРОЙ ВА КАФОЛАТ ДЕМАКДИР

• МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА ВА УНГА КЕРАКЛИ ЖИҲОЗЛАР
• МЕТАЛЛИ ТУРФАРАНГЛИ ПОЛИМЕР ҚОПЛАМА БИЛАН ПАРДОЗЛАШ
• ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛ ДЕВОРЛАР ВА ОСМА ШИФТЛАР
• БАДИЙ САВИЯДАГИ МЕТАЛЛ МАҲСУЛОТЛАР
• ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ МЕЪМОРИЙ - БЕЗАШ МАССАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

«Мезитом» ҚК ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан қанчаларини сезимли даражада қанақадир таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мухомбетов кўчаси, 1А-уй.
Телефон + (998-71) 162-42-74, 162-78-99, 162-42-47.
Факс + (998-71) 162-41-05, E-mail: Tezintom

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси компания «Иктисода» бошқармаси бошқарувида муовини **Гаффор ЗАКРУЛЛАЕВ**нинг бевақф вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурининг ёрдамчиси **Салават КУДМУРАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми жамоаси хукуқшунослик фандари ўқитувчи Яқтан Камоловага қизи **Насиба КАМОЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси ташкилоти 1-жаррохлик кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари номзоди **Шоқосим ИЛҲОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши
ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛМОНОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Матнавиёт ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — М. ЖОНИХОНОВ.
Мусаҳҳих — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
□ — тижорат матери-

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 23.00.
Топшириди — 23.40.
1 2 3 4 5 6